



2016 йил 3 май

№33

Тошкент ш.

**Фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий
сўровларини бажариш электрон давлат
хизмати регламентини тасдиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 майдаги “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг идоралараро ахборот ҳамкорлиги тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 120-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ягона интерактив давлат хизмати портали орқали кўрсатиладиган “Фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий сўровларини бажариш” электрон давлат хизмати регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Агентлик бўлим бошлиғи А.Алиев мазкур регламентга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича амалиётдан келиб чиқиб, таклифлар тайёрласин ва раҳбариятга киритилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорлари:

бир хафталик муддатда иловада келтирилган регламентни барча бошқарув, мутахассис ва хизмат кўрсатувчи ходимлар иштирокида пухта ўрганиб, муҳокама этилишини ҳамда мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтирилишини таъминласинлар;

ўн беш кун муддатда иловада келтирилган регламентни расмий веб-сайтлари ҳамда архив муассасаларидаги жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш хоналарида барча учун кўринадиган жойда жойлаштирилишини таъминласинлар;

давлат архив хизматларини кўрсатишда регламентларга риоя этмаслик қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланиши бўйича барча ходимларни огоҳлантирсанлар.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Бош директор

A.X.Абдуллаев

**Ягона интерактив давлат хизмати порталы орқали қўрсатиладиган
«Фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий сўровларини бажариш» электрон
давлат хизмати**

Регламенти

1. Хизматнинг тавсифи (паспорти)

1.1. Хизматнинг номи

Ягона интерактив давлат хизмати порталы орқали фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий сўровларини бажариши (кейнги ўринларда давлат хизмати деб юритилади)

1.2. Хизматнинг натижаси

Кўрсатилган хизмат натижасида архив маълумотномаси, зарур ҳолларда архив ҳуқисатлари нусхаси тақдим этилади. Муддати – чексиз.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган ва бланкалар олиш жойи

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) тизимидағи давлат архивлари.
Манзил: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор 2.
Телефон: +998 (71) 230-13-35, +998 (71) 277-04-80
Веб-сайт: www.archive.uz
E-mail: uzarchive@archive.uz*

1.4. Хуқуқий асослар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнданги “Архив иши тўғрисидаги” Конуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини таомиллаштириши тўғрисида”ги 101-сон қарори;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 апрелдаги “Архивларнинг асосий иши турлари бўйича вақт ва ишлаб чиқарии намунавий нормалари тўғрисида”ги 100-сон қарори.

1.5. Хизматни олувчилар

Ягона порталда рўйхатдан ўтган барча ёқисмоний ва юридик шахслар

1.6. Бажариш муддати:

Хизмат кўрсатилиши: сўров давлат архивига келиб тушган кундан эътиборан 5 кун ичида кўриб чиқилади;

Агар сўров ижсобий ҳал қилинадиган бўлса, 15 кун ичида ёки қўшимча ўрганиши ва (ёки) текшириши, қўшимча ҳуқисатларни сўраб олиш талаб этилганда эса 1 ойгача

бўлган муддатда кўриб чиқилади;

Агар келиб тушган сўров ваколат доирасига тааллуқли бўлмаса тегишилиги бўйича 5 кун ичida жсўнатилади ва мурожсаат этувчига ёзма равиида хабар юборилади.

1.7. Сўровни тасдиқлаш муддати

Архивга келиб тушган сўровга бир иш куни давомида сўров қабул қилинганигини тўғрисида тасдиқ жсавоби берилади

2. Хизмат олувчиликни хабардор қилиш

2.1. Кенг хабардор қилиш

Ҳар бир мурожсаат қилган шахсга қуийидаги маълумотлар тақдим этилиши кафолатланади:

- Ягона интерактив портал орқали давлат хизматини кўрсатиши бўйича сўровнома шакли ва тартиби my.gov.uz веб-сайти ҳамда “Ўзархив” агентлигининг расмий веб-сайти www.archive.uz орқали кўчирб олинни.

Хизмат кўрсатиши ва хизмат бўйича кўп бериладиган саволларга жсавобларни қўйидагайлардан олиши мумкин:

- расмий веб-сайт орқали: www.archive.uz*
- электрон почта орқали: uzarchive@archive.uz*
- телефон орқали: +998 (71) 277-13-35, +998 (71) 277-11-68;*
- манзил: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 2-йй*

2.2. Сўров бўйича хабардор қилиш

Уибу хизмат Ягона портал орқали электрон шаклда мурожсаат қилиувчи фойдаланувчиларга кўрсатилади

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Уибу ахборот сўров йўналтирилган манзили бўйича Ягона портал орқали элекрон шаклда мурожсаат қилиувчи фойдаланувчиларга япорталнинг тегишили сахифаси орқали тақдим этилади

2.4. Фойдаланиладиган ҳужжатлар бланкалари (шакллари)

3. Хизмат кўрсатиши

3.1. Иш вақти

Архивда фуқароларга партал орқали келиб тушган ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар бўйича қўйидаги вақтларда давлат хизмати кўрсатилади:

- иш кунлари соат 9-00 дан 17-00 гача, душанбадан жумагача
- тушлик вақти соат 13-00 дан 14-00 гача

3.2. Кутиш шартлари

Фойдаланувчининг сўрови электрон почтага келиб тушган хатлар тартиби бўйича хизмат кўрсатилади

4. Хизмат кўрсатиши тартиби

4.1. Зарур хужжатлар

Ягона портал интерактив давлат хизматига электрон сўров эсўнатии учун қўйидаги ҳуёсжатлар электрон шаклда тақдим этилади:

- электрон сўров орқали муројсаат қилиши;
- жисмоний шахсларнинг яши жойи (почта манзили);
- ўй ва мобил телефон рақами;
- электрон почтаси;
- жисмоний шахснинг паспорти нусхаси.

Уибу бандда кўрсатилган ҳуёсжатлар бир нусхада тақдим этилади.

4.2. Хизмат тўлови

бепул

4.3. Давлат хизматини кўрсатиши босқичлари

- жисмоний шахс давлат хизмати ягона интерактив порталидан (my.gov.uz) рўйхатдан ўтади ёки мавжуд бўлган рўйхат коди орқали киради;
- Давлат архивига тақдим этилган ҳуёсжатлар 15 кун ичидаги кўриб чиқилади;
- муројсаат буйича Ягона портал давлат хизматини кўрсатиши ёки ради этиши тўғрисида расмий жавоб берилади;

4.4. Давлат хизматини кўрсатиши бўйича ички идоравий жараён

Ягона портал давлат хизмати кўрсатиши бўйича сўров қабул қилингандан бошлиб 24 соат ичидаги қабул қилиниб, у ҳақидаги тасдиқ жавоби ёзилади.

1- жараён: жисмоний шахснинг барча зарур ҳуёсжатлар билан сўров қабул

қилиб олинган кунда давлат архиви раҳбарияти томонидан тегишили мутахассисга кўриб чиқши учун киритилади.

2- жасараён: келиб тушган ҳужжатлар рўйхатга олинганидан сўнг, давлат архиви белгиланган муддатда архив маълумотномасини расмийлаштиради.

4.5. Рад этиш асослари

Хизмат кўрсатишни рад этиши учун қўйидағилар асос бўлади:

- жисмоний шахс ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;
- тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг маевжудлиги;
- ҳужжатлар амалдаги қонунчилик талаблари ва шартларига номувофиқлиги;
- 4.1. банддаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ҳолда.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифатсиз хизмат устидан шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишини тақомиллаштириши тўғрисида”ги 101-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 12 сентябрдаги 2615-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаши тартиби тўғрисидаги Низом” мувофиқ буюртмачи давлат архивини хизмат кўрсатишни рад этиши тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек давлат архиви мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишига ҳақли.